

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАМОЛОВА САНОБАР ЖАББОРОВНА

**ФРАНЦУЗ АНТРОПОНИМЛАРИНИНГ ДИСКУРСИВ-
ПРАГМАТИК ТАВСИФИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Science**

Камолова Санобар Жабборовна

Француз антропонимларининг дискурсив-прагматик тавсифи 3

Камолова Санобар Жабборовна

Дискурсивно-прагматическая характеристика французских
антропонимов..... 25

Kamolova Sanobar Jabborovna

Discursive-pragmatic characteristic of French anthroponyms..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАМОЛОВА САНОБАР ЖАББОРОВНА

**ФРАНЦУЗ АНТРОПОНИМЛАРИНИНГ ДИСКУРСИВ-
ПРАГМАТИК ТАВСИФИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil.174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdchi.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Салахиддин Исмаилович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори, доцент

Сувонова Нигорабону Низомиддиновна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “13” июнь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй Тел.: (99866) 223-78-43, факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchi.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй Тел.: (99866) 223-78-43.

Диссертация автореферати 2020 йил “03” июнь куни тарқатилди.
(2020 йил “____” _____ даги №____ рақамли реестр баённомаси).



И.М.Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

А.А.Яхшиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ.Турниёзов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда жаҳон тилшунослигида антропонимик бирликларнинг кундалик мулоқотда тутган ўрни, уларнинг миллий, маданий, тарихий ва ижтимоий хусусиятларини тадқиқ этишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Антропонимларнинг коммуникатив имкониятлари когнитив тилшунослик, дискурс тилшунослиги, лингвомаданиятшунослик, прагмалингвистика, стилистика сингари йўналишларнинг асосий тадқиқ объектига айланди. Айниқса, антропонимнинг ўз референти билан тилда, воқеланиш пайтида ва нутқда ўзаро боғланиши асосида юзага келадиган коннотацияларнинг прагматик жиҳатларини ўрганиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишдаги изланишлар лисоний мулоқот доирасида инсонлар ўртасида келадиган муносабатларнинг онтологик моҳияти ва лингвокогнитив механизмини аниқлашга имкон беради.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда лингвомаданият соҳаси билан боғлиқ бўлган инсоннинг ҳиссий, эстетик баҳоларини ифодаловчи тил бирликларини лисоний-нутқий, маданий ва миллий менталитет нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муаммоси энг устувор йўналишлардан бири сифатида долзарблик касб этмоқда. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида халқаро ташкилотларнинг яратилиши, кўп тилли конференциялар ва конгрессларнинг ўтказилиши, халқаро даврий нашрларнинг чиқарилишини қамраб оладиган глобаллашув жараёни билан боғлиқ маданиятлараро мулоқотда фаоллашадиган антропоним маъносининг денотатив ва коннотатив воқеланишига таъсир кўрсатадиган прагмалингвистик омилларни ўрганиш муаммоси тобора долзарблашиб бормоқда. Антропонимларнинг дискурсив-прагматик хусусиятларини янги илмий-назарий қарашлар ва методларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий тилшунослик фанида тил ва нутқ тизимларини замонавий тамойиллар татбиқида тадқиқ этиш, жаҳон фанида амалда бўлган илғор ғояларни ижодий ўзлаштириш тажрибаси шаклланди. Шу жумладан, мулоқот фаолиятида антропонимлардан фойдаланиш самараси учун аҳамиятли бўлган прагмалингвистик тамойилларни, миллий маданиятимизда қадимдан тарғиб қилиб келинган муомила одоби қоидалари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Шунга биноан “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги¹ тилшунослик соҳасидаги изланишларни назарий ва амалий жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилиши лозимлигини кўрсатди. Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарилиши хорижий тиллар тадқиқи ва таълимини маълум бир тил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь: №258 (6952).

соҳибларининг маданияти, менталитети, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашидаги ўзига хослик асосида ташкил қилиш зарурлигини туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2789-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакиллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда антропонимия ҳодисаси, антропонимларнинг этимологик, миллий-маданий хусусиятлари ва маъноси муаммолари доимо олимларнинг диққат марказида турган. Хусусан, француз шахс исмлари ва фамилияларининг лингвистик ва экстралингвистик табиатини ўрганишга қатор илмий тадқиқотлар бағишланган². Француз атоқли отлари тўғрисида умумий маълумотлар француз тилининг грамматикаси бўйича ишларда тақдим этилган³. Ҳозирги вақтга

² Beaucarnot J.-L. Les noms de famille et leurs secrets. – Paris: Laffont, 1988. -354 p.; Besnard Ph. Le cote des prénoms en 2002. – Paris: Balland, 2003. – 478 p.; Bromberger, Chr. Pour une analyse anthropologique des noms de personnes // Langages. N 66 (juin 1982): Le nom propre. – P. 103-124; Brunet G. Le Patronyme: histoire, anthroponymie, société. – Paris: CNRS, 2002. – 421 p.; Dauzat, A. Les noms de personnes. Origine et évolution. Prénoms - Noms de famille - Surnoms - Pseudonymes [Text] / A. Dauzat. - Paris : Delagrave, 1950. - 213 p.; Gary-Prieur, M.N. Le nom propre constitue-t-il une catégorie linguistique? // Langue française. – 1991. – N 92. – P. 4-25; Gary-Prieur, M.N. L'individu pluriel: les noms propres et le nombre. – Paris: CNRS, 2001. – 176 p.; Jonasson, K. Le nom propre: construction et interprétation. Louvain-la-Neuve: Duclot, 1994. – 225 p.; Lebel, P. Les noms de personnes en France, 1981. – 128 p.; Leroy, S. Le Nom propre en français. – Paris: Ophrys, 2004. – 139 p.; Molino, J., Le nom propre dans la langue, in Langages, Larousse, Paris, 1982, N 66. - P. 5-20; Schnedecker, C. Nom propre et chaîne de référence. Paris: Klincksieck, 1998. – 231 p.; Velde V. de, Flaux N. Les noms propres: nature et détermination // Lexique, 15. éds, 2000.- 128 p.; Wilmet, M. Nom propre et ambiguïté /M.Wilmet //Langue française. – 1991. -№ 92. – P. 113-127; Мишкевич, М. В. Ареальная специфика французских антропонимов: (фонетический аспект): Автореф. дис. . канд. филол. нау. Минск, 1986. - 23 с.; Хохлова В. П. Реминисцентные онимы в произведениях французских писателей-экзистенциалистов: Автореф. ... дис. канд. филол. наук. Воронеж: 2010. - 23 с.

³ Damourette, J. Des mots à la pensée: essai de grammaire de la langue française. 8 vol. V. I. - Paris : J.-L.-L. d'Artrey, 1911. - 674 p.; Wagner, R.L. & Pinchon J. Grammaire du français classique et moderne. Paris: Hachette, 1972. 1 vol. - 648 p.; Flaux N. La grammaire: PUF, 1993. - 125 p.; Gary-Prieur, M.N. Grammaire du nom propre. Paris: Presses Universitaires de France, 1994. – 252 p.; Илия, Л. И. Очерки по грамматике французского языка / Л. И. Илия. - М.: Высш. шк., 1970. - 211 с.; Реферовская, Е. А. Теоретическая грамматика французского

келиб замонавий француз атоқли отлари-антропонимлари махсус диссертация тадқиқотларининг объектини ташкил қилган⁴. Француз атоқли отларининг мажмуини қиёсий тадқиқ қилиш масалаларига бир қатор ишларда эътибор қаратилган⁵. Бироқ лисоний тизим ёки муайян дискурс доирасида у ёки бу антропонимнинг қўлланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиған коннотацияларнинг тўлиқ тадқиқи амалга оширилмаган.

Антропонимик бирликлар инглиз, немис, рус, ўзбек тиллари материалида ҳам махсус тадқиқотларнинг объекти сифатида турли ёндашувлар асосида ўрганилган. Масалан, инглиз антропонимикасида шахс идентиклиги ва прагматикаси⁶, антропонимлар ясалишининг номинатив жиҳатлари ва инглиз лақабларининг миллий маданий ўзига хослиги⁷, аллюзив ва прецедент антропонимларнинг қўлланиши⁸ каби мавзулар таҳлил қилинган. Немис бадиий дискурсида атоқли отлар когнитив маъносининг тараққиёти масалалари тавсифланган⁹.

Рус тилшунослигида ҳам ономастика-атоқли отларнинг лингвистик табиатини тавсифлашга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган¹⁰. Хусусан, рус шахс исмларининг коннотатив семантикаси ва прагматик мазмуни коммуникатив аспектда назарий жиҳатдан талқин

языка: учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. В 2 ч. Ч. I. Морфология и синтаксис частей речи / Е. А. Реферовская, А. К. Васильева. - Л.: Просвещение, 1982. - 399 с.; Васильева, Пицкова 1991 Васильева, Н. М., Пицкова Л. П. Французский язык: теоретическая грамматика. Морфология. Синтаксис: ускоренный курс (на фр. яз.): учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. / Н. М. Васильева, Л. П. Пицкова. -М.: Высш. шк., 1991.-298 с.; Скрелина, Л. М. Лекции по теоретической грамматике французского языка: учеб. пособие. В 2 ч. Ч. I / Л. М. Скрелина. - СПб.: Златоуст, 1997. - 95 с.; Гак, В. Г. Теоретическая грамматика французского языка: учеб. для вузов / В. Г. Гак. - М.: Добросвет, 2000. - 832 с.

⁴Петрова С.А. Имя собственное без детерминатива в референциальном употреблении в контексте художественного произведения и межтекстовых связей (на примере французского языка): Автореф. ...дис. канд. филол. наук. М., 2003. – 144 с.; Тюкалова Н. Е. Имя собственное во французском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук / Н. Е. Тюкалова. СПб., 2005. - 24 с.

⁵ Рылов Ю.А. Сопоставительная антропонимика русского и романских языков: Учебное пособие (Текст). М.: ТУЗАУРУС, 2010. – 274 с.; Загирова З.Р. Лексико-семантические и функциональные параметры антропонима в составе фразеологической единицы в английском языке (В сопоставлении с французским, русским и татарским): Дис. ... канд. филол. наук. Уфа, 2003. - 215 с.

⁶ Gardiner, A. The Theory of Proper Names. Oxford U.P., 1954. – 76 p.; Гарагуля С. И. Антропонимическая прагматика и идентичность индивида (опыт системного описания личных имен в США): Автореф. ... дис. д-ра филол. наук. М., 2009. - 42 с.

⁷ Шокина И. М. Словообразовательная номинация на базе антропонимов в современном английском языке: Дис. ... канд. филол. наук. М., 2006. - 261 с.; Цепкова А.В. Национально-культурная специфика прозвищ (на материале англоязычного интернет-дискурса): Автореф. ... дис. канд. филол. наук. Иркутск, 2011. - 24 с.

⁸ Наумова Т. М. Аллюзивные и прецедентные антропонимы в составе британского лингвокультурного концепта *beauty* // Филологические науки. Вопросы теории и практики (входит в перечень ВАК) 2017. № 10. Ч. 1.С. -151-154; Псеунова Б.Х. Антропонимы в современном американском молодежном сленге (психолингвистический анализ): Автореф. ... дис. канд. филол. наук. М., 2011. - 24 с.

⁹ Чикаткова Ю. А. Развитие когнитивного значения имен собственных, восходящих к немецкому фольклору, в немецкоязычном художественном дискурсе : автореф.... дис. канд. филол. наук. Самара, 2010. - 23 с.

¹⁰ Бондалетов В. Д. Русская ономастика. М.: Просвещение, 1983.- 224 с.; Ермолович, Д.И. Имена собственные на стыке языков и культур /Д.И. Ермолович. - М.: Р. Валент, 2001. - 200 с.; Анисимова В.В. Развитие русской антропонимики в современном русском языке (на примере личных имен): автореф. дис. ... канд. филол. наук. Москва, 2004. - 24 с.; Авдонина,Т.П. Типология и функционирование русских антропонимов в конце XVIII-XX в.: (На материалах г. Москвы и Бронниц, уезда): Автореф. дис. . канд. филол. наук. М.: Моск. пед. ун-т, 2000. - 23 с; Кузьмина М. И. Имя собственное Валаам в индивидуальной языковой картине мира (на материале путевых очерков русских писателей конца XIX - начала XX века): Автореф. дис ... канд. филол. наук. Нижний Новгород, 2009. - 26 с.

қилинган¹¹, рус аёл исмлари маданий генетик аспектда тавсифланган¹², бадий асар таркибида қўлланган рус антропонимларининг структур-семантик ва функционал таҳлили берилган¹³, рус шахс исмларининг луғатлари яратилган¹⁴.

Ўзбек антропонимларини лингвистик, тарихий, этносемантик, социолингвистик нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган тадқиқотларда исмларнинг номинатив вазифаси, исм маъноси тушунчаси, исм беришда амал қилинадиган удум ва одатлар, диний маъноли номларнинг болага берилиш сабаблари, исм беришда амал қилинувчи тотемистик ва анимистик эътиқодларга оид қимматли маълумотлар берилган¹⁵. Ўзбек исмлари, фамилия ва ота исмлари, лақаблари ва тахаллуслари қуруқ ёрлиқ бўлмасдан, маълум маънога эга эканлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилган¹⁶. Ўзбек антропонимияси луғавий бойлигининг ўз қатламини ташкил этган исмларнинг мазмуний таснифи ва грамматик тузилиши ҳамда минтақавий ўзига хослиги масалалари тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган¹⁷.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро муҳандислик технология институтининг “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз дискурсида антропонимлар қўлланишининг миллий ўзига хослиги, уларнинг денотатив ва коннотатив мазмунини лингвопрагматик аспектда аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот объекти сифатида француз ёзма матнида, хусусан, сиёсий, спорт, ижтимоий дискурсларда воқеланган исм, фамилия, тахаллус ва лақаблар танланган. Шунингдек, француз шахс исмлари ва фамилияларининг дискурсив-прагматик ўзига хосликларини таҳлил қилиш учун М.Т. Морле ва А.Дозанинг луғатларидан, Institut National de la Statistique et des Études Économiques (INSEE) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган маълумотлардан (2013-2019 йиллар), Liberation (1996-2018 йиллар), Le Figaro

¹¹ Андреева К.А. Русское личное имя в коммуникативно-прагматическом аспекте: Автореф... дисс.канд.филол.наук. М., 2011. – 23с.; Ненашева Т.А. Коннотативная семантика референтно однозначного имени: монография. - Н. Новгород, 2012. - 153 с.; Рубцова, Е. Ю. Прагматическое содержание антропонимов: На материале русского и английского языков: Дис. ... канд. филол. наук. Ростов н/Д, 2006. – 151 с.

¹² Степанова Ф.В. Русский женский антропонимикон в культурно-генетическом аспекте: Автореф... дисс.канд.филол.наук. Лесосибирск, 2006.-23 с.

¹³ Ибрагимова А. М. Антропонимы в произведениях С.Т. Романовского: структурно-функциональный анализ: Дис ... канд. филол. наук: - Казань, 2010.- 170 с.; Курс К. Ю. Имена собственные в поэзии М.В. Исаковского: структурно-семантический и функциональный анализ: Дис. ... канд. филол. наук. Смоленск, 2013. - 218 с.

¹⁴ Суперанская А.В. Словарь русских личных имён. –М.: Эксмо, 2004. –544 с.; Суперанская А.В. Современный словарь личных имён: Сравнение. Происхождение. Написание. – М.:Айрис-пресс, 2005. – 384 с.

¹⁵ Бегматов Э. Исм чиройи. Тошкент: “Фан” нашриёти, 1994.; Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси.Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 1998. - 608; Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. Тошкент: “Фан” нашриёти, 2013. – 264 б.

¹⁶ Носиров Ў. Ўзбек тилидаги киши номлари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Илмий асарлар. Қарши-Тошкент, 1965. – 194-197 бетлар.

¹⁷ Сатторов Г. Х. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фан. номз.... дис. автореферати. Тошкент, 1990. – 19 б.; Рахимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фан. ном. ... дис. Тошкент, 1998.

(1998-2017 йиллар), Le Monde (2003-2018 йиллар), L'Humanité (1999-2018 йиллар), L'Evade газеталари, шу ва бошқа газеталарнинг интернет манбалари мақолаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот предметини француз тили антропонимияси мазмунининг коннотатив таркибий қисмларини ёритиш ҳамда антропонимик бирликларнинг муайян дискурда танланишини таъминлайдиган лингвопрагматик омиллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ономастика назарияси доирасида антропонимик бирликлар муаммосини ўрганиш, антропонимларнинг маъноларини аниқлашда таянадиган тамойилларни белгилаш;

антропонимларга хос денотатив ва коннотатив маъноларнинг моҳиятини ёритиш;

антропонимларнинг лисоний-расмий ва нутқий-норасмий шаклларини аниқлаш ва уларнинг мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмларни очиб бериш;

мулоқот матнида антропонимларнинг нутқий-норасмий шаклларида фойдаланиш сабабларини далиллаш;

исм, фамилия, тахаллус ва лақабларнинг бирламчи ва иккиламчи номланиш жараёнида воқеланадиган референтлар, денотатив ва коннотатив семаларнинг турларини аниқлаш;

француз дискурсида антропонимнинг нутқий шаклларида фойдаланишга таъсир этувчи этнопрагматик омилнинг моҳияти исботлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, дискурс-таҳлил, контекстуал таҳлил, компонент таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ономастика назарияси доирасида антропонимик бирликларнинг маъноларини аниқлашда таянадиган дискурсив-прагматик тамойиллар белгиланган ва антропоним структурасида денотатив-коннотатив маъноларнинг воқеланиш асослари очиб берилган;

антропонимларнинг лисоний-расмий ва нутқий-норасмий шакллари ва уларнинг мазмунини ташкил этувчи коннотатив таркибий қисмлар аниқланган;

мулоқот матнида антропонимнинг нутқий-норасмий шаклларида фойдаланишнинг прагматик сабаблари далилланган;

исм, фамилия, тахаллус ва лақабларнинг бирламчи ва иккиламчи номланиш жараёнида воқеланадиган референтлар, денотатив ва коннотатив семаларнинг дискурсив турлари аниқланган;

француз дискурсида антропонимнинг нутқий шаклларида фойдаланишга таъсир этувчи этнопрагматик омилнинг моҳияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация ишининг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

француз тилида референция, коннотация, бир ва кўп референтли антропоним, дискурс-таҳлил, иккиламчи номланиш каби ҳодисаларнинг таърифи берилган;

антропонимларнинг дискурсив-прагматик таҳлили, антропонимик бирликларда денотатив ва коннотатив маънолар тақдим этилишининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотлар француз тилини чет тили сифатида ўрганувчиларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришда муҳим манба сифатида фойдаланилган;

француз тили газета матнларида қўлланган, турли кўринишдаги антропонимик луғатларда қайд қилинган антропонимик бирликлардан бир референтли антропонимлар ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий фикр ва хулосалар контекстуал, компонент, дистрибутив, семантик ва прагматик ҳамда лингвостатистик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти француз тили антропонимларини дискурсив-прагматик аспектда таҳлил қилиш асосида антропоним маъносининг денотатив ва коннотатив кўринишда воқеланиш имкониятлари аниқланганлиги, антропоним маъноларининг воқеланишида монореферентлик ва полиреферентлик ҳодисасининг ўрни кўрсатиб берилганлиги, семасиология, лексикология, семантик синтаксис, лингвомаданиятшунослик ва прагмалингвистика соҳалари тадқиқот кўламининг бойитилгани, ҳамда дискурс турларининг лингвопрагматик хусусиятлари ёритилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар антропонимик бирликларнинг семантик таркибий қисмлари ва миллий маданий табиатини асослашда, исм ва фамилияларнинг дискурсив-прагматик хусусиятларини ёритишда келгуси тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида грамматика, лексикология, стилистика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, назарий тилшунослик, матн тилшунослиги, дискурс ва лингвопрагматика соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар, луғатлар, маъруза матнларини яратишда, битирув малакавий иши ва турли диссертацион тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз антропонимларининг дискурсив-прагматик тавсифи мавзусидан чиқарилган илмий натижалар асосида:

бир ва кўп референтли антропонимларнинг маъно турлари, денотатив ва коннотатив компонентларининг ўзаро семантик алоқалари, семантик оппозициянинг турлари, ўрганилаётган денотатларнинг семантик модификацияси тўғрисидаги тасаввурларни тизимлаштириш билан боғлиқ усуллардан И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2019 йил 16 ноябрдаги 2041/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижалар талабаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган антропоним таркибий қисмли сайрнома ўқув луғатини яратишга хизмат қилган;

антропоним референтларининг турли дискурсларда воқеланишида кўзланган дискурсив мақсад ва прагматик самарага эришиш усуллари бўйича олинган хулосалар асосида Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг “Тил –миллат кўзгуси”, “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек” каби кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 28 октябрдаги 1/388-сон маълумотномаси). Натижалар тингловчиларда маъноли мулоқот самарасини ошириш ҳақида қимматли маълумотлар бериш орқали кўрсатувлар савиясининг оширилишига эришилган;

бир ва кўп референтли антропонимларнинг қўлланишида тақдим этиладиган миллий ахборот мазмуни ва кўламининг исм ва фамилиялар орқали тақдим этилиш хусусиятлари билан боғлиқ натижалари “ННТ Тошкент Француз Аянси” ва Ўзбекистондаги Франция элчихонаси томонидан 2017-2018 йилларда ўтказилган “Франкофон ёшлар театри” фестивалида фойдаланилган (ННТ Тошкент Француз Аянсининг 2019 йил 19 ноябрдаги 10-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон ва Франция ўртасида маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш доирасида француз антропонимлари-бадий асар қаҳрамонларининг инсоний, маънавий, маърифий ва ахлоқий фазилатларини сахна кўринишида воқелантиришга хизмат қилган;

исм, фамилия, тахаллус ва лақабларнинг лисоний ва нутқий ўзига хосликларини тизимлаштириш бўйича олинган натижалар “Назарий грамматика ва фонетика”, “Лингвистик таҳлил методлари”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилган (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4539-сон маълумотномаси). Натижа талабаларнинг маданиятлараро нутқ компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини оширишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий матни 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг таянч назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон тилшуносларининг “ономастика”, “антропонимика” юзасидан олиб борган илмий изланишлари таҳлил этилган. Антропонимларни ўрганишнинг асосий аспекти келтирилган, антропоним маъносининг тил ва нутқ сатҳларида намоён бўладиган хусусиятларини ўрганишга нисбатан асосий ёндашувларнинг ҳамда референция назарияси нуктаи назаридан антропонимни талқин қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг шарҳи берилган. Француз тили материалида антропоним референцияси хусусиятларини ўрганишнинг асосида турган антропоним муаммоси бўйича ишлардаги муҳим йўналишлар, мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар, шунингдек, амалга ошириладиган тадқиқотнинг назарий асослари аниқланган.

Антропоним ономастика ўрганадиган ўн тўққиз турдаги атоқли отлардан биридир. Йиллар давомида ономастикага бағишланган барча тадқиқотларда антропонимлар ҳақида ҳам сўз борган¹⁸. Фақат XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб француз тилида антропонимлар алоҳида кузатиш материали сифатида кенг миқёсдаги тадқиқотларнинг предмети ва объектига айланиб, уларни ўрганишнинг асосий мақсад ва вазифалари ойдинлаштирилиб борилган¹⁹ ва, хатто, ушбу атама англатадиган объектлар доирасини кенгайтиришга ҳам ҳаракат қилинган²⁰.

¹⁸ Jonasson, K. Le nom propre: construction et interprétation. Louvain-la-Neuve: Duclot, 1994. – 225 p.; Kleiber, G. Sur la définition des Noms Propres: une Dizaine d’Années Après. In: M. Noailly (Ed.). Nom Propre et Nomination. Paris: Klincksieck, 1995. – P. 11-36; Leroy, S. Le Nom propre en français. – Paris: Ophrys, 2004. – 139 p.; Ненашева Т.А. Коннотативная семантика референтно однозначного имени: монография / Т.А. Ненашева. - Н. Новгород, 2012.- 153 с.

¹⁹ Beaucarnot, J.-L. Les noms de famille et leurs secrets. – Paris: Laffont, 1988. – 354 p.; Bromberger, Chr. Pour une analyse anthropologique des noms de personnes // Langages. N 66 (juin 1982): Le nom propre. – P. 103-124; Gary-Prieur, M.N. Le nom propre constitue-t-il une catégorie linguistique? // Langue française. – 1991. – N 92. – P. 4-25.

²⁰ Қаранг: Семина И.А. Когнитивно-функциональное описание широкозначных имен существительных: антропонимы французского языка. – М.: Тезаурус, 2013. – 352 с. *Антропоним* атамаси мазкур монография

Француз антропонимик бирликларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар доирасида тадқиқотчиларнинг эътибори антропонимларнинг лингвистик табиати билан боғлиқ қатор масалаларга, жумладан, антропонимлар синфини ономастик бирликлардан ажратиш, антропоним маъносини «атокли от/турдош от» оппозицияси нуқтаи назаридан талқин қилиш, антропонимларни диахроник аспектда ўрганиш, уларнинг миллий, регионал ва ижтимоий табақавий мансублиги, тиллараро типологияси ва таржимада берилиш хусусиятларини, воқеликка муносабати нуқтаи назаридан функциялари ва бадиий матн ғоясини воқелантиришдаги ўрнини ёритиб бериш ҳамда антропонимлар тизимининг шаклланишида миллий ва хорижий элементларнинг нисбатини аниқлаш каби масалаларга қаратилган.

Антропонимларни ўрганиш жараёнида юзага келган асосий муаммолардан бири – бу уларнинг лексик маъноси билан боғлиқ муаммодир. Бугунги кунга қадар қанча баҳслар бўлса, шунча фикрлар сақланиб қолмоқда. Антропонимик бирликларнинг маъноси муаммоси бўйича француз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни урта асосий гуруҳга – асемантиклик, яъни онимларнинг маъноси йўқ деган нуқтаи назар, семантиклик, яъни онимлар кенг маънога эга деган нуқтаи назар ва иккаласининг ҳам хусусиятларини бирлаштирган, гўёки биринчи ва иккинчи нуқтаи назарларни ”яраштирадиган” нуқтаи назарга ажаратиш мумкин.

Биринчи концепцияга кўра, онимлар доимий тушунчалар сигнификатларнинг ифодаланиши билан ҳеч қанақа тарзда боғланмайди, оним ҳеч нарсани англатмайди, чунки атокли отга эга бўлган объектнинг хусусиятлари тўғрисида ҳеч нарса айтмайди, фақат мос келадиган бошқа онимлар орасидан уни ажратади. Онимлар доимий тушунчаларни ифодалаш билан боғлиқ эмас ва англатаётган предметлари ҳақида ахборот ташишга қодир эмас. Ҳозирги кунда ушбу ёндашув танқидий баҳоланмоқда, масалан, Д.И.Руденко ўз асарларидан бирида таъкидлайдики, “бемаъни отлар” деб номланадиган мантиқий категория тилда қўлланиши мумкин эмас, чунки “бемаъни от” табиий тил мақомига эга бўлмайди²¹.

Иккинчи йўналиш оним фақат нутқда, махсус танланган нутқ куршовида ва алоҳида нутқ муҳотида қўлланган пайтдагина тўлиқ маънога эга бўлиши мумкинлигига асосланади. Айрим француз ва рус тилшуносларининг фикрича, ономастик семантика – семантиканинг батамом махсус тури бўлиб, субъектив, ижтимоий шартланган омиллар ҳам, референт сўзловчида пайдо қиладиган ҳиссиётлар ҳам исм семантикасига киради²².

Учинчи йўналиш тарафдорлари тилда ҳам, нутқда ҳам исм маъносининг мавжудлигини даъво қилади [Kleiber 1992; Ducrot 1989; Damourette

муаллифи томонидан кенг маънода, яъни, маълум бир шахсни аташ маъносида қўллайдиган француз антропонимшуносларидан фаркли ўлароқ, муайян касб соҳибини англатиш маъносида шаклланган турдош отларга нисбатан қўлланади.

²¹ Руденко Д. И. Собственные имена в контексте современных теорий референции // Вопросы языкознания. - 1988. - №3. - С. 55–68.

²² Wilmet, M. Nom propre et ambiguïté /M.Wilmet //Langue française. – 1991. -№ 92. – P. 113-127; Суперанская А. В. Общая теория имени собственного / отв. ред. А.А. Реформатский. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. –365 с.

1970]. Француз тилшунослари П.Сибло ва С.Леруа, атоқли отлардан ясалган номларни ёки неологизмларни яратиш борасидаги эмприк кузатувлар асосида, атоқли отлар нутқда ҳамда асосий маънодан четга чиқиб қўлланганда маъно ҳосил қилиш қобилятига эга деган хулосага келишади: «семантик майдон бўлмаганда, турғун семалар воситасида атоқли отнинг ифодаланмишини тасвирлаб бўлмайди [Siblot, Leroy 2000: 91]. И.А.Воробёва фикрича, атоқли отлар маънонинг денотатив, сигнификатив ва структур компонентларидан иборат бўлган семантик таркибга эга [Воробёва 1971]. Сўнгги бир неча ўн йилликларда, онимлар семантикасида компонент таҳлил методларидан фойдаланиш ҳамда умумий ва хусусий, мавҳум ва аниқ, ижтимоий ва индивидуал нисбатларга диалектик ёндашувдан фойдаланиш туфайли оним маъноси муаммосига оид ушбу нуктаи назар ривожланиб бормоқда.

Антропонимларнинг дискурсив-прагматик табиатини ёритиш жараёни, табиийки, антропонимларда маънонинг мавжудлигига асосланади. Антропоним семантикаси апеллятив маносига нисбатан кенгроқ деб ҳисоблаймиз. Атоқли от лингвистик ва экстралингвистик компонентлардан ташкил топган мураккаб тузилишга эга. Шу билан бирга, лингвистик компонент стилистик қийматни ҳам, тил ва нутқда қўлланиш хусусиятларини ҳам ва бошқа элементларни ҳам ўз ичига олади. Экстралингвистик компонент таркибига исмнинг мураккаб ассоциациялари, исм эгасининг машҳурлик даражаси, исм ва унинг эгаси ҳақида энциклопедик маълумот, исмнинг мафкуравий йўналиши ва бошқалар киради. Антропоним семантикасида учта асосий қисмни ажратамиз: денотатив – денотат, яъни номлашнинг табиатини белгилайдиган предмет тур билан ўзаро боғланади; сигнификатив – синификат, яъни билвосита антропонимда мужассамлашган тушунча билан ўзаро боғланади; прагматик – денотат ҳақидаги объектив ахборот асосида вужудга келадиган чексиз кўп субъектив қўшимча маънолар ва ассоциациялардан ташкил топади. Масалан, François исми: семантиканинг денотатив компоненти - субъект, эркак; сигнификатив компоненти – тирик мавжудот, одам; прагматик компонент – François Mitterand ёки Mauriac, ёки фақат адресантга маълум бўлган ҳар қандай шахс ва у ҳақида барча бўлиши мумкин бўлган маълумотлар.

Антропонимни ўз референти билан боғлаганда француз тили соҳиблари томонидан тан олинган белгиларни акс эттирадиган семалар тилда фарқланади, масалан: ‘ушбу исм билан номланган’, ‘жонли’ (қиёсланг: Jules ва Paris), ‘одам’ (қиёсланг: Jules ва Loulou (отнинг лақаби)), ‘эркак жинси/‘аёл жинси’ (қиёсланг: Jules ва Julienne), ‘миллати’ (қиёсланг: Jules ва Ivan), ‘минтақавий мансублик’ (қиёсланг: Julien ва Juluan (исмнинг бретон варианты) ва маълум бир тарихий даврга мансублиги’ (қиёсланг: Jean ва Guy (эскирган исмлар рўйхатида киради). Кўрсатилган белгиларни сигнификат таркибига ингерент род семалари сифатида (‘ушбу исм билан номланган’, ‘жонли’ ва ‘одам’) ва тур семалари сифатида (‘эркак жинси/‘аёл жинси’, ‘миллати’, ‘худудий мансублиги’, ‘маълум бир тарихий даврга мансублиги’) киритиш мумкин. Бундай семалар маъно фарқлайдиган семалар бўлмасдан,

исмларнинг ички таснифини амалга ошириш ва кичик гуруҳларга ажратиш имконини беради. Француз тилида коннотатни барча антропонимларда ҳам бевосита ажратиб бўлмайди, чунки коннотат ингерент семалар билан (масалан, аёл исмларида “заифлик” семаси) ва тил соҳиблари томонидан тушуниладиган кўшимча ассоциациялар билан (масалан, Pierrot, Margo кичрайтириш-эркалаш исмлари ҳолатида) боғланган афферент коннотатив семалар билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Нуткий мулоқотда детерминативлар антропонимларнинг мазмун кўламини шакллантиришга хизмат қиладиган асосий грамматик воситалар сифатида юзага чиқади.

1-жадвал.

Детерминативлар воситасида киритиладиган маънолар

Детерминативлар	Детерминатив воситасида воқеланувчи маънолар	Антропонимнинг нуткий шакли
Артикль	le, la, les	архаик маъно, муайян регионга мансублик,
	un, une, des	умумлашган, ноаниқ
	du, de la	метонимик маъно
	арт.+сифат	аниқ, баҳоловчи
Эгалик сифатлари: mon, ton, son ва б.	аффектив, пезоратив маъно	<i>mon Pierre, ta Marie, sa Béatrice</i>
Кўрсатиш сифатлари: ce, cet, cette, ces	ажратиб кўрсатиш	<i>ce Philippe, ce Raymond</i>

Нутқ муҳитига боғлиқ ҳолда, бир детерминатив турли мазмундаги коннотацияларни тақдим этиши мумкин, масалан, les артикли воситасида одатда қайсидир оиланинг барча аъзолари кўрсатилади: les Malou, les Orsini. Бироқ, ушбу артикл ёрдамида антропоним референтлари умумлаштирилган ҳолда тақдим этилиши ҳам мумкин: Boris, le héros de l'histoire, est un personnage, langoureux, entiche de *Nathalie*, en réalité de toutes *les Nathalies* de la terre, nostalgique de la vie, de son passé, de ses 20 ans, celle de l'époque sereine de l'après-guerre (M. Audge). – Борис, ҳикоямиз қаҳрамони, Наталига (аслида Ер юзидаги *барча Наталиларга*) ошиқ бўлган, боғланиб қолган, ҳаётни, ўтмишини, йигирма ёшлигини, урушдан кейинги тинч даврни кумсайдиган одамлардан биридир²³. Антропоним референтлари умумлашган ва ноаниқ ҳолда тақдим этилиши ноаниқ артикл ёрдамида ҳам амалга оширилади: Qui pense encore à une fleur ou à une perle devant une femme nommée *Rose* ou *Marguerite*, ou bien à la noirceur du maure, à la Renaissance ou au chiffre huit, devant *un Maurice, un René* ou *un Octave*? (Ch. Bromberger) - Ким Роза ёки Маргарита исмли аёл билан учрашганда гул ёки марварид ҳақида, ёки

бўлмаса қандайдир Морис, Рене ёки Октавни учратганда мавре ҳақида, Уйғониш (Ренессанс) даври ҳақида ёки саккиз рақами ҳақида ўйлайди? Агар антропоним референти тил соҳибларига таниш бўлса, *la* аниқ артикли унинг муайян соҳанинг машҳур вакили сифатида тасаввур қилинишини кўрсатади:

²³ Бу ерда ва кейинги ҳолатларда таржима муаллиф томонидан қилинган.

En dix ans, *la Vodianova* a travaillé avec les plus grands du monde de la mode (Paris Match). - *Маиҳур* Водианова ўн йил давомида мода оламининг энг буюк вакиллари билан ишлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Француз антропонимияси мазмунининг коннотатив таркибий қисмлари**” деб номланган. Бу боб француз исм ва фамилиялари, тахаллус ва лақабларига хос коннотатив семаларнинг тил ва нутқ сатҳларида воқеланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Диссертацияда коннотация антропонимик бирликларнинг семантикасига лисоний ёки нутқий (тасаввурли ёки мақсадли) тарзда кирадиган, сўзловчининг тингловчига нисбатан ҳиссий, баҳоловчи, экспрессив, стилистик жиҳатдан белгиланган муносабатини ифода этувчи семантик моҳият сифатида тушунилади. Француз антропонимларининг муайян коннотатив тўйинганлигини адекват идрок этиш учун исм референтининг мантиқий маъносини ўзлаштиришнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу жараёнда, камида, коннотацияга хос бўлган ушбу таркибий қисмларнинг семантик моҳиятини бир-биридан фарқлаш талаб этилади. Ишда антропонимнинг ҳиссиётлилиги сўзловчининг тингловчига нисбатан ҳиссий муносабатини ифода этиш қобилияти сифатида талқин қилинади. Баҳолаш исм референтига нисбатан ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатни билдириш мақсадида антропоним шаклининг маълум бир вариантини танлашни назарда тутди. Экспрессивлик маълум бир сифатнинг намоён бўлиш меъёрини, даражасини кўрсатади. Стилистик қайдлов антропоним референтига нисбатан сўзловчининг муносабати имплицит тарзда ифодаланган ушбу коммуникатив муҳитда антропонимик бирликни қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради. Умуман, антропонимик бирликларнинг коннотацияси, ўз табиати бўйича, семантиканинг ўта мураккаб макрокомпоненти бўлиб, экспрессив бўёқдорлик табиати билан ажралиб туради.

Ушбу бўлимда антропонимнинг денотатив маъносини коннотатив семалар билан тўйинтиришга хизмат қиладиган турли лингвистик – фонетик, морфологик, синтактик, лексик воситалардан фарқли ўлароқ, антропоним сигнификатининг лисоний ва нутқий тизимига хос фон билимлари асосида воқеланадиган экстралингвистик коннотациялар ўрганилган. Натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Исм референтларига хос коннотациянинг турлари

Исм референтига хос коннотациялар	Исмлар
инжил динига мансублик (келиб чиқиши яхудий)	<i>Adam, Eve, Noah, Anna, John, Agnes; Edgar</i> (мулк, эгалик, мол-мулк; бой+ найза), <i>Edward</i> (мулк+ҳимоя), <i>Anella</i> (Ann(e) + Ella), <i>Marianne</i> (Mary+ Ann (e), Adam, Maria, Marie, Jack, Abel, David, Eve, Eva, Elizabeth, Gabriel, Michael, Michel.
мусулмон динига мансублик	Mohammed, Muhammad (кейинги йиллардаги маълумотларда бу исм 10-25чи ўринларда туради).
муайян худудга,	Albion, Britannia, Ella, Op.
қabila ва халққа мансублик	Maurice, Brettoner, Albany.

куч, ақл, соғлик, жасорат, қобилиятлилик	Leon, Ariel (худо яратган шер), Orson– айиқча, Deborah (асалари), Leah (қад.-яхуд. оху, антилопа),
гўзаллик, мағрурлик, латофат, назокат, меҳрибонлик	Mavis (сайроқи қораялоқ), Melissa (қад.-грек. Асалари), Viola / Violet (бинафша), Primrose (наврўзгул), Zennia (декоратив ўсимлик), Ivy (печак), Lily, Poppy (кўкнори), Magnolia, Lavender, Laura (дафна), Jessamine (ясмин), Daffodil (оч сариқ нарғис (гул)).
тинчлик рамзи	Apple, Olivia / Olive (зайтун – тинчлик рамзи)
гўзаллик, соғлик	Vénéra, Stella, Astra
куч, чидам, сабр, тоқат, гўзаллик каби фазилятлар	Diament, Emerald, Esmeralda, Perle, Marbre.
физик ҳолатлар ва ранглар	Claudius, Zara, Candide, Leblond, Blanch / Blanche, Blanch / Blanche, Blanch / Blanche, Albina.

Фамилия наслдан ўтадиган, шахс исмига қўшиб қўйиладиган ном бўлиб, кенг маънода, шахсинг ота-бободан бошланадиган бир родга, тор маънода, бир оилага мансублигини кўрсатади. Француз фамилиялари ўз сигнификати доирасида турли хил этномаданий коннотацияларни имплицит тарзда мужассамлаштирган. Улар қуйидаги жадвалда тақдим этилган.

3-жадвал.

Фамилия референтига хос коннотациянинг турлари

Фамилия референтига хос коннотациялар (% ҳисобида)	Фамилиялар
Референтнинг муайян ҳудудга, халққа, авлиёларга мансублигини кўрсатувчи коннотациялар – 33 %	Arnaud, Arnault (Arn-waldo); Brémont (Berhtomundo); Humbert (Huni-berhto); Roland, Rolland (Hrodo-lando); Thierry (Theodorico) - фамилия референтлари герман қабилалари франклар, бургундлар ва вестготлардан келиб чиққан; Aubert- Aubertin, Brémont- Brémontier; ёки Arnaudin, Arnaudeau- Naudin, Naudeau; лотин авлиёлари Brice, Frédéric, Hugues, Mathieu исмларидан - Brès, Ferry, Hue, Mahieu, Madeuf; она Marie исмидан - Marion, Mariette, Mariotte, Mariéton, Riotteau; кейин Perrette, Perrotte: Collette; Michotte; Lamartine; Mahaut (машхур шакли Marguerite; Овернда, Margeride Margeridonнинг ҳосиласи).
Тана аъзоларининг ранги, ҳажми ва кийими замон руҳига, урф-одатга тўғри келмаслиги ҳақидаги коннотациялар - 23 %	Blond, Leblond (оқ сочли эркак), Fauvel, Faveau (қизғич), Roux, Rousseau, Lerouge (малла), Brun, Lebrun, Brunet, Brunot (қорамағиз), Chatin (жигарранг); Poitron (катта кўкрак), Dubuc, Dubut, Dubufe (катта гавда), Talon (катта товон) ва ҳ.з.; Chape, Charpe (мантия, ридо ёки қалпоқ - лақма), Chareron (қадимги бош кийим).
Референт яшаётган уй, макон ҳақидаги коннотациялар-21 %	Maisonneuve (янги уй), La Fayette ёки Lafayette (қора қайин), Durocher (қоя), Dupré, Delprat (майсазор), Canal, Chenal (канал), Rivière, Ribière, Rive (дарё), Durupt, Delrieu, Rieu (сой,анҳор) ёки Davignon, Besançon, Paris, Langlois, Lallemand (кўчиб келган жойи).
Референтнинг касби, лавозими, ижтимоий мавқеи ҳақидаги	Fournier (новвой), Sueur (тикувчи); Bachelin (ёш сеньор), Sergent, Prévôt ёки унинг варианты

коннотациялар – 14 %	Provost, Prost (суд), Bailly (қирол, сеньор номидан суд мажлисини олиб борадиган амалдор); Noble ёки Lenoble (зодагон) - истеҳзоли лақаб; Paisant (деҳқон).
Қариндошлик маъносини берувчи коннотациялар – 7 %	Le père (ота), Lefils (ўғил), Cadet (кичик), Lainé (катта), Legendre (куёв, почча), Neveu (жиян), унинг варианты Leneveu, Deloncle (амаки, тоға), Bonfils (яхши ўғил), Maugendre (ёмон куёв, ёмон почча), Malfilâtre (ўгай ўғил).
Худуднинг асосчиси ёки ер-мулкнинг хўжайинини анг-латувчи коннотациялар – 02 %	Aurelianus>Orleans) ва Pauliacum - поместье Paulius; Romainville — «villa» de Romanus
Одатлар ёки феъл-атворнинг баъзи хусусиятлари хақидаги коннотациялар - 1,8%	Cacheleu (бўри овчиси), Watebled (чириган буғдой), Bercheux (мерган ёки овчи), Leloup (бўри -«ёввойи»), Renard (тулки - айёр), Abeille (асалари - меҳнатсевар).

Француз тахаллус ва лақабларининг референтлари хақида фон билимлари асосида англаб олинадиган ижтимоий коннотациялар уларнинг сигнификатида доимо “сирли”, “яширин” тарзда мужассамлашган бўлади. Тахаллус мустақил равишда танланади ва унинг мазмун кўламига киритиладиган коннотация асосан исм соҳибининг интенциясига узвий боғлиқ бўлиб, қуйидаги лисоний усуллар асосида имплицит тарзда юзага чиқарилади: а) ўз исм-фамилиясини бошқасига алмаштириш: Émile Salomon Wilhelm Herzog - André Maurois (ёзувчи); б) ўз исм-фамилиясидан бирини танлаш: Mireille Hartuch – Mireille (қўшиқчи); в) ўз лақабидан фойдаланиш: Édith Giovanna Gassion - Édith Piaf (қўшиқчи, piaf - чумчукча); г) ўзи туғулган жой номини танлаш: Marguerite Germaine Marie Donnadiu - Marguerite Duras (ёзувчи, драматург ва сценарист); д) сифатлашдан фойдаланиш: David Cohen - Dany *Brillant* (қўшиқчи ва актер); е) исм-фамилиясини қисқартириш: Sokolinski – Soko (қўшиқчи); ё) ўз исм-фамилиясини бошқа тилга таржима қилиш: Charles Durand - Carolus Duran (портрет rassomi, исмини лотин тилига, фамилиясини испан тилига таржима қилган); ж) аббревиатуралардан фойдаланиш: Matthieu Chedid - M. (композитор ва таржимон); з) Онанинг қизлик давридаги фамилиясидан фойдаланиш: Patrice Dard - Patrice Damaisin (ёзувчи).

Лақаб нафақат аташ, балки бирор нарсани англатиш, атрибутни яширин ифодалашга ҳам қодир бўлган коннотатив маъноларга эга отдир. Аталаётган шахснинг муҳим, характерли сифатини кўрсатиш лақабнинг семантик асосини ташкил қилади. Исм, фамилия ва тахаллусдан фарқли ўлароқ, лақаб исм соҳибига ташқаридан берилади. Ишда лақабга хос коннотатив маънолар Франция президенти лавозимида фаолият юритган Charles de Gaulle, Jacques Chirac, Nicolas Sarkozy, François Hollande ҳамда сўнгги сайлов компанияси даврида президент тахти даъвогарлари - Emmanuel Macron, François Fillon, Marine Le Penларнинг лақаблари мисолида таҳлил қилинган ва ижобий ва салбий бўёққа эга коннотациялар фарқланган. Лақаблар таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатди:

